

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТОНОВ АКРАМ ИКРОМОВИЧ

**ТАРБИЯСИ ОҒИР ЎҚУВЧИЛАРДА ОИЛА, МАКТАБ, МАҲАЛЛА
ҲАМКОРЛИГИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
(V-IX синфлар мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Султонов Акрам Икромович

Тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида
миллий ғояни шакллантириш (V-IX синфлар мисолида)..... 5

Султонов Акрам Икромович

Формирование национальной идеи у учащихся с трудным воспитанием
в сотрудничестве с семьей, школой, махаллой (на примере V-IX классов)... 21

Sultonov Akram Ikromovich

Formation of the national idea in cooperation With family, schol, community
in children with special needs (grades V-IX)..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publighed works..... 45

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТОНОВ АКРАМ ИКРОМОВИЧ

**ТАРБИЯСИ ОҒИР ЎҚУВЧИЛАРДА ОИЛА, МАКТАБ, МАҲАЛЛА
ҲАМКОРЛИГИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
(V-IX синфлар мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped279 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Адизов Бахтиёр Рахмонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудова Муяссар
педагогика фанлари доктори, профессор

Эгамбердиева Турғуной Ахмаджоновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020. Ped.70.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил "08" 02 соат 09:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17 уй). (Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети биноси, 303-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (80 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17 уй. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "29" 01 да тарқатилди
(2022 йил "29" 01 даги 2 -рақамли реестр баённомаси).



Р.Д. Шодиёв

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
п.ф.д., профессор

И.Б. Камолов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.д. (PhD), доцент

Х.О. Жўраёв
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
п.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда янги аср бошларига келиб мафкуравий жараёнлар мураккаблашиб кетди. Жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар кучайди. Бундай шароитда турли сиёсий кучлар ўзбек йигит-қизларни онги ва фаолиятига миллий манфаатларимизга ёт, ғайриинсоний ғояларни сингдиришга, уларнинг дунёқарашини ўз манфаатларига мутаносиб равишда шакллантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу муносабат билан ёшларимизни ғайриинсоний, миллий манфаатларимизга ёт ғоялардан муҳофаза қилиш, уларнинг онгида миллий ғояни шакллантириш, мафкуравий таълим ва тарбия бериш масаласи долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Дунё мамлакатлари таълим-тарбия соҳасини кузатар эканмиз, кейинги йилларда ёшлар маънавий тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини кузатишимиз мумкин. Жамият аъзолари ўртасида, айниқса, ёш авлод вакиллари орасида турли ахборот коммуникатив воситалари орқали ёки бола тарбиясига ўта эътиборсизлик натижасида юзага келаётган тарбияси оғирликнинг зўравонлик, агрессивлик, апатия, эмоционал беқарорлик, тушкунлик каби тарбияси оғирлик белгиларининг тез-тез кузатилиши дунё педагогика соҳаси вакиллари ҳам безовта қилмоқда. Ушбу муаммо ечимига қаратилган қатор педагогик ва психологик тадқиқотлар, социологик изланишлар бугунги кунда ўсмирлар хулқидаги “оғиш”ларни диагностика қилиш ва коррекциялаш, профилактик тадбирлар технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилганлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида маънавий ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш омили сифатида таълим ва тарбия бериш борасида бирмунча хайрли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармонида “жисмонан соғлом, рухан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Бу эса, вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялашга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий, ижтимоий-педагогик, психологик ёндашувлар, маънавий муҳитни соғломлаштиришнинг медиа усулларини жорий этиш, жамоатчилик тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш заруратини белгилаб беради.

Мулоҳазалардан кўриниб турибдики, умумтаълим мактабларининг V-IX синфларида таҳсил олаётган тарбияси оғир ўқувчиларда мафкуравий таълим ва тарбия бериш, бу борада оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигидан

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сони Фармони. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”. Халқ сўзи, 8 февраль 2017 й.

фойдаланиш механизми ва педагогик асосларини ишлаб чиқиш масаласи долзарб ижтимоий-педагогик муаммога айланмоқда.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги: Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқ этилаётган муаммонинг турли аспекти илмий манбаларида анча пухта ўрганилган. Хусусан, ўсмирларнинг маънавий тафаккурини ва юксак онгини тарбиялаш масалаларига Шарқ мутафаккирлари Абу Али ибн Сино, Ал-Беруний, Абу Наср-Фаробий, Амир Темур, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Махмуд Қошғорий, Юсуф Хос Ҳожиб, ва Бобур асарларида бу масала ўз ифодасини топган.

Қатор тадқиқотчилар ҳам мафкуравий таълим ва тарбиянинг устувор йўналишлари ва соҳалари, услублари ва усуллари хусусида фикр юритадилар.

Оилада баркамол шахсни тарбиялаш, ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги орқали миллий ғояни шакллантиришнинг фалсафий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатлари файласуф, адабиётшунос, социолог олимлар Э.Юсупов, Ж.Туленов, Ю.Ғ.Махмудов, Н.Комилов, П.М.Қулматов, А.П.Эркаев, М.Имомназаров, А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраев, М.Маматов, Қ.Назаров, О.Сафарова, М.Махмудов, Р.Раҳмонов, М.Жакбаров, А.Бегматов, М.Бекмуродовлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги орқали миллий ғояни шакллантириш, оилада бола тарбиясининг турли жиҳатларини педагог олимлар М.Очилов, Иномова М.О., Мусурмонова О., Нишонова С., Қурбанов Ш., Махкамов У.И., Қурононов М., Маматкулова Р., Тошматова Ж.С., С.Очилов, Х.Ж.Худойкулов, К.Мунавваров, Давронова Д.С., Мухсиева А.Ш., Нагметова Н.М., Абдужабборова М.Л., Хидирова Ф., Артикова М.Б., Мирзаев М.Ж. тадқиқот ишларида маънавий тафаккурни тарбиялашда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги масалалари, унинг узвийлиги тадқиқ этилган.

Муаммонинг психологик жиҳатлари психолог олимлар Э.Ғ.Ғозиев, В.Каримова, Б.Кодиров, Ш.Баратов, Ҳ.Узоқов, З.Т.Нишонова, М.Маматов, Т.Мақсудов, Ғ.Шоумаров ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Шу билан бирга, мазкур муаммони турли жиҳатлари МДҲ олимлари А.И.Буров, М.А.Верба, Е.В.Квятковский, Б.Т.Лихачев, Г.Болховский, Н.А.Ветлугина, О.С.Богданова, К.В.Гавриловец, О.С.Ивашенколарнинг тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган.

Оила тарбияси муаммолари хорижий мамлакатлар олимлари Э.Эиснер, Р.Смитх, Р.Шустерман, П.Парриш, Ҳ.Фаирбанк, М.Ҳолзер, А.Гулл, Э.Ле Шам, Бенжамин Спок, Ада Делла Торре, Мария Земска, Родемлар томонидан, оилада юзага келган ота-она ва бола ўртасидаги зиддиятлар, келишмовчиликлар

ва унинг сабабларини аниқлаш, болаларга соғлом психологик муҳитни яратиш ва унинг аҳамияти, ота-оналарнинг бола тарбиясидаги масъулияти каби масалаларга эътибор қаратилган. Мазкур тадқиқот иши тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини ривожлантиришга маълум даражада ҳисса қўшади ва юқорида тилга олинган илмий ишларни янги маълумотлар билан тўлдиради.

Бироқ юқорида тилга олинган илмий ишларда V-IX синфлардаги тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалари махсус тадқиқот объектига айлантилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Бухоро давлат университетининг ОТ-Ф1-002 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади V-IX синфларда таҳсил олаётган тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини таъминлашнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёш авлодда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантиришга оид педагогик, психологик, фалсафий адабиётларни ўрганиб чиқиш;

тарбияси оғир ўқувчилар билан олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирлар мазмунини ҳамда тарбия жараёнида оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлик шакллари амалиётдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантириш жараёнида оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини ташкил этиш моделини ишлаб чиқиш;

оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришга доир маънавий-маърифий ишлар методикасини ишлаб чиқиш;

тадқиқот давомида ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлик даражасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти тарбияси оғир ўсмир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантириш жараёнидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети эса умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида таҳсил олаётган тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситаларидир.

Тадқиқотнинг методлари аналитик метод, кузатиш, қиёсий таҳлил, анкета, савол-жавоб, суҳбат, тест, умумлаштириш, педагогик прогностика, педагогик эксперимент, математик статистика.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарбияси оғир ўсмир ёшидаги ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик жиҳатлари ҳаётий мақсадларни қарор топтириш, болалардаги агрессивлик, апатияни педагогик коррекциялаш, коммуникатив кўникмаларнинг беқарорлиги, когнитив сифатлар пастлиги профилактикасини

кадриятлар интериоризацияси (ички анланганлиги) билан интерналлик даражасини кенгайтириш орқали аниқлаштирилган;

индивидуал, гуруҳий, жамоавий, мафкуравий-педагогик иш шаклларини (ўзаро фикрий уйғунликни ҳосил қилиш, гуруҳий қарорларни ишлаб чиқиш, қадам-бақадам иш) праксиологик методлар билан қайта алоқаси продуктивлигини ҳисобга олиш асосида тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришнинг мафкуравий-профилактик тизими такомиллаштирилган;

ўқувчилар тарбиясидаги ижтимоий “оғиш”ларни диагностика қилиш ва коррекциялашга доир педагогик моделнинг когнитив компоненти таълим олувчиларда ғоявий саводхонликни шакллантириш, шахсий ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган маънавий компетенцияларни ҳамкорлик педагогикасининг жамиятни педагогизациялаш йўналиши билан адаптив тарзда намоён бўлишини қатъий белгилаш орқали такомиллаштирилган;

оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида мафкуравий-профилактик тадбирларни ташкил этишнинг ота-оналарда виртуал-педагогик назорат малакаларини ривожлантириш, мактабда ғоявий-мафкуравий тарбия муҳитини янгилаш каби педагогик шарт-шароитлари педагогик концептининг витагенлик жиҳатини барқарорлаштириш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертацияда илгари суриладиган ғоялар ва тезислар, назарий хулосалар ва мантиқий далиллар V-IX синфларда таҳсил олаётган тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантириш жараёни билан боғлиқ ҳамкорлик ишларини ишлаб чиқишда қўл келади. Тадқиқот натижаларидан мазкур муаммони янада кенгроқ тадқиқ этишда фойдаланиш ҳам мумкин;

диссертацияда илгари суриладиган ғоялар ва хулосалардан олий ўқув юртларида “Умумий педагогика”, “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Фалсафа”, “Маданиятшунослик” каби ўқув фанларининг назарий ва амалий машғулотларини ўтказаетганда фойдаланиш мумкин;

тадқиқот натижалари “Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантириш жараёнида мактаб, оила маҳалла ҳамкорлигини таъминлашда, Маънавият ва маърифат маркази вилоят ва туман бўлимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, республика Оила илмий-амалий марказининг вилоят бўлимлари, хотин-қизлар кўмиталари, умумтаълим мактаблари, педагогик фаолиятида қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференция материаллари, илмий-методик таклифларнинг амалиётда татбиқ этилганлиги; ҳамкорлик ва муаммоли технологияларига оид ўқув материалларининг нашр этилганлиги ва таълим жараёнига жорий қилинганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; олинган натижаларнинг математик-статистик қайта ишланганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти V-IX синфларда таҳсил олаётган тарбияси оғир ўқувчиларда мактаб, оила маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантиришга оид илмий-педагогик қарашлар, назарий ёндашувлар билан бойитилди. Шунингдек, V-IX синфларда таҳсил олаётган тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантиришнинг шакл, метод, йўлларига оид таклиф ва тавсиялардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан фойдаланиш имконияти, V-IX синфларда таҳсил олаётган тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари этиборга олиниб, V-IX синфларда таҳсил олаётган тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини амалга оширишда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантириш бўйича илмий натижалари:

ўсмир болалар тарбиясидаги агрессивлик, апатия, коммуникатив кўникмаларнинг беқарорлиги, когнитив сифатлар пастлиги каби белгиларни аниқлаш методикаси очик ва ёпиқ турдаги кузатув, педагогик-психологик ташхис, социометрия каби методлар орқали аниқлаштирилган хулосаларидан Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактабларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 24 сентябрдаги 01/11-01/10-1398-сон маълумотномаси). Натижада фанлар мазмунини такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини ошириш имконияти яратилган;

ўқувчилар тарбиясидаги “оғиш”ларни диагностика қилиш ва коррекциялашга доир моделнинг когнитив компонент, эмоционал-қадриятли компонент ва тарбия компонентлари аниқ мақсадга йўналтирилганлик, изчиллик, узвийлик, ўзаро алоқадорлик, аниқ мақсаднинг натижаланганлиги каби тамойилларга таянган ҳолда такомиллаштирилганлигига доир хулосалари “Ижтимоий педагогика” номли ўқув кўланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2021 йил 28 августдаги 375-сон буйруғи, 375-025-сон гувоҳномаси). Натижада миллий ғояни шакллантирилганлик даражасини аниқловчи мезонларини такомиллаштириш имконини берган;

ўқувчилар тарбиясидаги “оғиш”ларни диагностика қилиш ва коррекциялашга доир моделнинг когнитив компонент, эмоционал-қадриятли компонент ва тарбия компонентлари аниқ мақсадга йўналтирилганлик, изчиллик, узвийлик, ўзаро алоқадорлик, аниқ мақсаднинг натижаланганлиги каби тамойилларга таянган ҳолда такомиллаштирилишига оид хулосаларидан Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактабларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил

24 сентябрдаги 01/11-01/10-1398-сон маълумотномаси). Натижада тарбиявий тадбирларни лойиҳалаш ва режалаштириш бўйича амалий тавсияларни такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та хорижий, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 13 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1 та хорижий журналда, 3 та республика журналларида чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳақида, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган. Бу бобда оила, мактаб, маҳаллада миллий ғояни шакллантириш ижтимоий зарурият сифатида, тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигининг амалиётдаги ҳолати, тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришнинг имкониятлари ва кўрсаткичлари назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Оила – тарбияси оғир ўқувчиларни тарбиялашнинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила – жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчга эга. Мафкуравий профилактикага хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида шаклланади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Оиладаги соғлом муҳит – соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги ва фаровонлигини, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигини таъминлаш мафкуравий профилактика вазифаларини амалга оширишда таянч бўлади.

Маҳалла. Ўз-ўзини бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан ижтимоий-тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида

кишилар онгига Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ, фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик ва Динлараро бағрикенглик, эзгулик, одамийлик, гуманизм (инсонпарварлик) каби ғоялари сингдириб борилади.

Инсоният тарихи шуни кўрсатадики, ким ўз халқи мафкурасига, Ватанига, юрт равнақига қарши чиқадиган бўлса, ҳеч қачон, ҳеч қаерда ўз мақсадига эришмайди. Чунки азал-азалдан ўз ота-онаси ва эл-юртига қарши қўл кўтарадиган фарзанд қоралаб келинганлигини кўплаб мисолларда кўришимиз мумкин.

Маҳалла – аввало, соғлом миллий-ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган ижтимоий-педагогик тарбия маҳалла аҳлининг хулқ-атвори ва ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида ҳимоя қилиб, асраб, тартибга солиб туради. Шу маънода, маҳаллани тарбияси оғир ўсмирларни тарбиялаш маскани сифатида ҳам қараш мумкин.

Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги муаммосига тааллуқли адабиётларни ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

олимларимиз томонидан ёшлар онгида миллий ғояни шакллантиришга оид бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, айнан тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги муаммосининг моҳияти, миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришнинг педагогик омиллари, йўллари, мазкур жараёнда миллий ва умуминсоний хусусиятларни ҳисобга олишнинг илмий-педагогик асослари яратилмаган;

тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида сингдиришнинг яхлит педагогик тизимини ишлаб чиқиш, методикасини яратишга эришиш, педагогика фани олдида турган муҳим вазифалардан биридир;

оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Лекин тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида V-IX синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантиришнинг педагогик асослари муаммоси махсус тадқиқ этилмаган.

Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида V-IX синф ўқувчилари онгига миллий ғояни сингдириш яхлит педагогик фаолият жараёни бўлиб, ушбу жараёнда қуйидаги педагогик вазифалар ҳал этилиши мақсадга мувофиқ:

тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида V-IX синф ўқувчиларини ғоявий-мафкуравий таълим-тарбиянинг моҳияти ҳамда жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги маълумотлар бериш;

тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида ўсмир ўқувчиларда ғоявий ва мафкуравий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни вужудга келтириш ҳамда мафкуравий тафаккурни қарор топтириш;

тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида V-IX синф ўқувчиларининг ғоявий-мафкуравий, амалий фаолиятларини ташкил этиш борасида кўникма, малака ва компетенцияларни ҳосил қилиш.

Тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида V-IX синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантиришда қуйидаги илмий концепцияга асосландик:

ўсмирлик ёшидаги ўқувчиларнинг онг даражаси ижтимоий муносабатлар жараёнида, уларнинг жамият, атроф-муҳитга бўлган ёндашувида намоён бўлади;

V-IX синф ўқувчиларининг камолоти улар яшаётган жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига боғлиқ;

ёш авлод онгида миллий ғояни маънавий-мафкуравий, объектив ва субъектив шарт-шароитларнинг ўзаро уйғунлашуви асосида ташкил этиладиган, узлуксиз тизимли таълим-тарбияни йўлга қўйиш натижасида вужудга келади;

V-IX синф ўқувчиларининг ғоявий жиҳатдан ривожланиши давлат ва жамият манфаатларини ифодалайди.

Тарбияси оғир ўқувчилар онгида оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғоянинг шаклланганлик даражасини амалиётдаги ҳолатини аниқлаш мураккаб жараён дир. Шу боис ушбу мақсадга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг самарадорлик даражасини аниқлашга қаратилган анъанавий усуллар билан бирга, текширишнинг ноанъанавий усулларида ҳам фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Тадқиқот муаммосига нисбатан ўқитувчиларнинг фикрини билиш учун 183 нафар ўқитувчи иштирокида анкета сўровларини ўтказдик. Ёзма назорат ишларининг ҳар бири 20 нафардан иборат бўлган тажриба ва назорат гуруҳларида ўтказилди. Тажриба гуруҳи V-IX-синф ўқитувчилари томонидан бажарилган ёзма назорат ишлари мазмунининг таҳлили шуни кўрсатдики, улар масаланинг моҳияти ва мазмунига нисбатан қўйилган барча талабларни аксарият ҳолларда тўғри тушунган ҳолда, жиддий ёндашиб, миллий ғояга таяниб жавоб беришга ҳаракат қилганлар.

Миллий ғоянинг сингдирилганлик даражасини таҳлил қилишда асосий эътибор Маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари томонидан амалга оширилган ёзма назорат ишларининг мазмунига қаратилди. Бу ҳол Маҳалла фуқаролар йиғини аъзоларининг 210 нафарида миллий ғояни ўзлаштирганлик даражасини тўлиқ, аниқ ва равшан баҳолаш имкониятини берди. Олинган жавобларнинг катта қисмида юқоридаги ҳолни кўриш мумкин. Анкета сўровларида иштирок этган 210 нафар Маҳалла фуқаролар йиғини аъзоларидан 198 нафари тарбияси оғир V-IX синф ўқувчиларида оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантириш лозим, деган фикрдалар.

Хуллас, тарбияси оғир ўқувчиларда инсонга хос бўлган ижобий фазилатлар – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик (толерантлик), ватанни севмоқлик кабилар билан бирга бу фазилатларни акси

бўлган – ватанни севмаслик, юртга ва халққа хиёнат, ўзга халқларга нисбатан шафқатсизлик; комил инсонларга, устоз, ота-она ва қавм-қариндошларга хурматсизлик ва эътиборсизлик; диний жоҳиллик каби салбий хислатларни бартараф қилиш билан чамбарчас боғлаб олиб бориш зарур.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришнинг дидактик таъминоти**” деб номланган. Бу бобда ўсмир ўқувчиларда тарбияси оғирлик белгилари, турларини ўрганиш асосида оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантириш модели ҳамда технологиясининг мазмуни ва амалга ошириш йўллари келтириб ўтилган.

Республикада ижтимоий ҳамкорликнинг мавқеи, салмоғи, сифати ва самарадорлигини ошириш – уни том маънодаги баркамол инсонни тарбиялаб етиштиришнинг муҳим воситасига айлантириш назарда тутилган. Бу борада узокни кўзловчи ва истиқболли қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан тарбияси оғир ўқувчиларда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги асосида миллий ғояни шакллантириш жараёни модели ишлаб чиқилди (1-расм). Мазкур модель тўрт блокдан иборат бўлиб, биринчи – мақсадли блок, иккинчи диагностик блок, учинчи – технологик блок ва тўртинчи – назорат ва натижа блокларидир.

Тарбияси оғир ўсмирлар – бу ижтимоий меъёрларга зид хулқ-атворга эга бўлган боладир. Унинг ташқи муҳим белгилари характер хусусиятидаги шафқатсизлик, кўполлик, “қулоқсизлик”, ўта эркинлик, конфликтга берилувчанлик, ҳар қандай ижтимоий ва педагогик меъёрлар ҳамда талабларга бўйсунмаслик ва зарарли одатлар (ичиш, чекиш, игромания)га берилувчанликдан иборатдир.

Тадқиқотимиз давомида ушбу жараёни ташкил этишда методик ёрдам сифатида V-IX синф ўқувчилари хулқидаги салбий ўзгаришлар, эмоционал ҳолати ва характер хусусиятидаги негатив ҳолатларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида, ушбу типик белгиларни қуйидагича таснифладик:

Агрессияга мойиллик.

Кайфиятнинг ва эмоционал ҳолатнинг ўта ўзгарувчанлиги.

Зарарли одатларга берилувчанлик .

Қизиқишлар ёки хоббининг мавжуд эмаслиги.

Ўзлаштиришнинг мунтазам пастлиги.

Ёлғизликка интилиш.

Ҳамдардлик ва меҳрибонлик мавжуд эмаслиги.

Апатия.

Уйқунинг бузилиши.

V-IX синф ўқувчилари хулқидаги ўзгаришларга олиб келувчи омилларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги гуруҳларга ажратдик:


Биологик омиллар.

Психологик омиллар.

Ижтимоий омиллар.

Педагогик омиллар.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар.



1-rasm. V-IX синф тарбияси оғир ўқувчиларида миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги модели

Умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларидан тарбиясида “оғиш”лар мавжуд бўлган болаларни қуйидаги 5 та типик гуруҳларга бўламиз:

1-гуруҳ: коммуникатив кўникмаларида бузилиш бўлган тарбияси оғир ўқувчилар ёки циниклар.

2-гуруҳ: когнитив функцияларида бузилиш бўлган тарбияси оғир ўқувчилар.

3-гуруҳ: эмоционал ҳолатида “оғиш” мавжуд бўлган болалар ёки аффектив ўсмирлар.

4-гуруҳ: иродавий сифатларида ўзгаришлари бўлган болалар.

5-гуруҳ: агрессив болалар киради.

Ўсмир ёшидаги болаларда тарбияси оғирликни диагностика қилишда Д.Скотт томонидан ишлаб чиқилган “Кузатув харитаси” асосида кузатиш, суҳбат ва “Хулқида оғишга мойилликни аниқлаш методикаси”, “Суицидга мойилликни аниқлаш методикаси”, “Hand-тест”, Ч.Спилбергнинг шахсда агрессияни баҳолаш сўровномаси, Люшернинг ранглар тести, эмоционал барқарорликни аниқлаш тести (Айзенк доираси), А.Личконинг патохараетрологик диагностика сўровнома асосидаги махсус методикалардан фойдаланилди.

Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантириш борасида оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигидаги тарбиявий ишлар икки йўналишда амалга оширилди:

1-йўналиш. Тарбияси оғир ўсмирлар билан оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида ташкил этиладиган индивидуал ишлар: “Қора қути” методи, ишонтириш методи, рағбатлантириш ва жазолаш методи, “Портлаш” методи кабилар асосида. Шунингдек, ушбу йўналишда ота-оналарни тарбияси оғир болалар билан ишлашга тайёрлашда мулоқот, маъруза, мунозара, ақлий ҳаракат, ролли ўйин, ота-оналар кечалари.

2-йўналиш. Оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида ташкил этиладиган жамоавий тренинглар ва тарбиявий тадбирлар: ахлоқий мавзудаги суҳбатлар, илмий анжуманлар, бадий ҳаваскорлик тадбирлари, спорт мусобақалари, китоблар кўргазмаси, адабий эрталиклар, китобхонлик конференциялари, қизиқарли савол-жавоб ўйинлари (викториналар).

V-IX синфлардаги тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантиришга қаратилган тадбирлар қатор шакл ва методлар орқали амалга оширилди.

Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантириш борасида ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижалари қуйидагиларни кўрсатди:

тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантириш тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган методикадан фойдаланиш муаммони самарали ҳал этишга ёрдам беради.

Диссертациянинг учинчи боби “**Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантириш самарадорлиги**” деб номланиб, ушбу бобда тадқиқот давомида ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлик даражаси аниқланган педагогик эксперимент натижалари баён этилган.

Педагогик илмий тажриба-синов ишлари Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 19-; 41-ИДУМида, Косон туманидаги 9-; Миришкор тумани 4-;

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 1-; Термиз туманидаги -13; Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги -14; -39; Бухоро туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилди.

Илмий-тажриба объекти қилиб олинган мактабларнинг ўқитувчиларини 183 нафари, ота-оналар ва маҳалла аъзоларидан 210 нафардан, V-IX синф ўқувчиларидан эса тажриба синфида 395, назорат синфида 403 нафари билан илмий-тажриба ва назорат ишлари олиб борилди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларидан тарбияси оғир ўқувчилар диагностик методлар асосида аниқлаб олинди. Тажриба ва назорат гуруҳлари ажратиб олинган тажриба гуруҳида тадқиқот давомида ишлаб чиқилган индивидуал ва жамоавий тадбирлар асосида оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантириш ишлари амалга оширилди.

Илмий-тадқиқот базаси қилиб олинган тажриба гуруҳларида дарслар, синфдан ва мактабдан ташқари бир қатор тадбирлар ўтказилди, бу тадбирларга ота-оналар таклиф қилинди. Тадбирлар ҳақида фикр-мулоҳазалари ўрганилди, фикрлар алмашилди. Тажриба ўтказилаётган мактаблар жойлашган маҳалла кўмиталари, чунончи, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Беклар, Косон туманидаги Сарипул маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, фикр алмашувлар, китоблар кўргазмалари ўтказилди. Натижада, 2020 январь ойига келиб 50 нафар ота-онанинг 36 нафари ёки 72 фоизи анкета саволларига I гуруҳ; 14 нафар ёки 28 фоизи – II гуруҳ даражасида жавоб беришди, III гуруҳ даражасида жавоб берган ота-оналар қолмади.


Илмий-тажриба ўтадиган ўрта мактаб V-IX синф ўқитувчиларининг тарбияси оғир ўқувчиларни тарбиялаш ҳақида билим ва тушунчалари етарлича бўлгач, V-IX синф ўқувчиларини тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантиришнинг амалиётдаги аҳволини ўрганиш жараёнида тадқиқот ўтказган мактаб ўқувчиларни икки гуруҳга тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Тажрибадаги гуруҳлар билан тажриба ишининг хусусиятларидан келиб чиқиб, илмий тажрибанинг дастурига биноан махсус режа асосида дарс машғулотлари ва синфдан ташқари мактаб, ота-оналар, маҳалла ҳамкорлигида ахлоқий мавзудаги суҳбатлар, китоблар кўргазмаси, китобхонлик конференцияси, адабий эрталиклар ва қизиқарли савол-жавоб ўйинлари ўтказилди. Бу ҳол ўзининг ижобий натижаларини намоён қилди. Тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғоя руҳида тарбияланганлик даражасини аниқлаш учун кўрсаткич сифатида (А) Ватан равнақи; (Б) юрт тинчлиги; (В) халқ фаровонлиги; (Г) комил инсон; (Д) ижтимоий ҳамкорлик; (Е) миллатлараро тотувлик; (Ж) толерантлик руҳида тарбиялаш фазилатлари олинди.

Тажриба якунида ҳар иккала гуруҳдаги тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришга доир олиб борилган ишлар натижалари қиёсий таҳлил қилинди.

Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шаклланишининг ўзгариб бориши бўйича олинган натижалар умумий ҳолда фоизларда қуйидагича ифодаланди:

**Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шаклланишининг
ўзгариб бориши бўйича олинган умумий натижалар**

Ватан равнақи; Юрт тинчлиги; Халқ фаровонлиги; Комил инсон; Ижтимоий хамкорлик; Миллатлараро тотувлик; Толерантлик;	Ўртача қиймат кўрсаткичи	Таъриба гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		ТБ	%	ТО	%	ТБ	%	ТО	%
	<i>Юқори</i>	55	14	111	28	55	14	74	18
	<i>Ўрта</i>	128	32	182	46	130	32	148	37
	<i>Паст</i>	212	54	102	26	218	54	181	45
ЖАМИ:		395	100	395	100	403	100	403	100



2-расм. Таъриба синов натижалари диаграммаси

Таъриба-синовда таъриба гуруҳларида 395 нафар ва назорат гуруҳларида 403 нафар ўқувчи қатнашган. Юқоридаги жадвалдаги фоизларда берилган кўрсаткичларга асосан қуйидаги жадвални келтирамиз.


Таъриба ва назорат гуруҳидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2-танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз:

2-жадвал

**Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шаклланишининг
ўзгариб бориши бўйича олинган натижалар**

Таъриба гуруҳи	1-танланма				
	X_i	Юқори	Яхши	Ўрта	Жами
	n_i	111	182	102	$n=395$
Назорат гуруҳи	2-танланма				
	Y_j	Юқори	Яхши	Ўрта	Жами
	m_j	74	148	181	$m=403$

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:



3-расм. Тажриба якунидаги тажриба ва назорат гуруҳидаги умумий кўрсаткичлар диаграммаси

Олинган сонли маълумотларни математик-статистик таҳлил қилишда Стьюдентнинг танлама мезони, К.Пирсоннинг мувофиқлик критерийси, Лаплас функциясидан фойдаланилди.

Ўзлаштириш даражасини қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 n_i Y_i = \frac{1}{395} = (555 + 728 + 306) = \frac{1589}{395} = 4,02 \approx 4.$$

$$\text{Фоизда } \bar{X}\% = \frac{4,02}{3} \cdot 100\% = 134\%.$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{m} \sum_{j=1}^3 n_j Y_j = \frac{1}{403} = (370 + 592 + 543) = \frac{1505}{403} = 3,73 \approx 3,7.$$

$$\text{Фоизда } \bar{Y}\% = \frac{3,73}{3} \cdot 100\% = 124\%.$$

Тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан кўрсаткичидан $(134 - 124) \cdot \% = 10\%$ га юқори экан. Бу эса ўз навбатида $\frac{134\%}{124\%} = 1,08$ баробар ортиқлигини англатади.

Демак, тажриба гуруҳида ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидагидан юқори экан: $\bar{X} > \bar{Y}$.

Юқоридаги ҳисоблашлардан маълум бўлдики, ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезони ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катта экан. Бундан шуни айтиш мумкинки, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидагидан юқори экан.

Ушбу ўзлаштириш кўрсаткичларини фоизларда ҳисоблаймиз:

$$P = \frac{\bar{X}}{3} \cdot 100\% - \frac{\bar{Y}}{3} \cdot 100\% = \frac{29}{3} = 9,6\% \approx 10\% \text{ га тенг.}$$

Бундан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, тажриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳиникига нисбатан 10 % га ошганлигини кўриш мумкин.

Тажриба охирига келиб ўқувчиларнинг жавоблари тажриба гуруҳларида тез ўсишни кўрсатса, назорат гуруҳларида бу ҳолни кўрмаймиз. Бу илмий-тадқиқот ишида тажриба ўтказиш методикаси тўғри танланганлигини, тажриба натижалари самарали бўлганлигини кўрсатади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Тадқиқот натижасида қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Жамият тарихи ҳамда улар тараққиётининг бугунги босқичидаги фаолияти ва вазифаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай жамият бажараётган тарихий вазифасини асословчи ва барча ижтимоий синфлар, табақалар, миллатлар ва элатлар, диний эътиқод вакиллари шу вазифа атрофида бирлаштирувчи, бунга қарши таҳдид солувчи мафкураларга нисбатан курашга жипслаштирувчи ғоялар тизимига эга. Бу тизим миллий ғояларимизни янада аниқлаш ва бойитишга хизмат қилади, унинг ҳар бир маҳаллага етиб боришини таъминлаш ижтимоий педагогиканинг долзарб вазифасидир. Шу боис аҳоли, айниқса, тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантириш ишларини олиб бориш илмий асосланган мазмун, шакл, восита ва методлар асосида ташкил этилиши лозим.

2. Ҳозирги кунда жамият ҳаётига, шу жумладан, оилаларга миллий мафкура тарбиясининг турли шакл, услублари кириб бормоқда. Бу жараённинг қандай самара бераётганлиги ҳақида ишончли, объектив маълумотларга эга бўлиш, тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантириш ишларини мажмуавий ёндашув тамойили асосида ташкил этиш ўта муҳимдир. Бунда маҳалла, оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидениенинг тарбиявий таъсир омилларидан самарали фойдаланиш зарур.

3. Мафкуравий курашлар дунё миқёсида глобаллашаётган бир шароитда турли ёшдаги аҳолининг барча қатлами ўртасида тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантириш ишларини олиб бориш давлат барқарор ривожланишининг ижтимоий-педагогик кафолатидир. Айниқса, турли таъсирларга берилувчан ўсмирлар билан олиб бориладиган ишлар алоҳида эътибор талаб қилади. Бу борада ҳар бир маҳалланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Маҳалла ўзбек халқининг қадимий, айна пайтда тарбиявий имкониятлари энг юқори институти сифатида тарбияси оғир ўсмирлар орасида олиб бориладиган ишларининг асосий бўғини эканлиги тадқиқот натижаларида ўз тасдиғини топди.

4. Тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантириш ишлари доирасида оилаларнинг катта ёшдаги аъзолари ва айниқса, ота-онанинг ғоявий саводхонлиги ҳамда масъулиятини ошириш ва бу борада тарбия муассасаларининг ҳамжиҳатлигини кучайтириш, шунингдек, хотин-қизлар кўмиталари томонидан аёллар орасида маънавият, бурч ва масъулият, аёлларнинг имкониятларини сафарбар қилишга доир

оммабоп педагогика курсларини ташкил этиш ўсмирлар орасида олиб бориладиган тарбияси оғир ўқувчилар ўртасида мафкуравий профилактика ишларининг самарали кечишини таъминлайди.

5. Тадқиқотни бажариш жараёнида биз қўллаган педагогик илмий-тадқиқот методлари мажмуи – тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантириш ҳолатини таҳлил этиш, кузатиш, социологик усуллар, педагогик илмий-тажриба тарбияси оғир ўқувчиларини тарбиялаш самарадорлигини оширишга имкон берадиган хилма-хил дидактик материаллар тўплашга имкон берди.

6. Тарбияси оғир ўқувчиларни ахлоқий тарбияланганлиги мураккаб маънавий-рухий ҳодиса бўлиб, ахлоқий билимлар, ахлоқий ҳис-туйғулар, ахлоқий-эътиқод ва ахлоқий ҳатти-харакатларни ўз ичига олади ҳамда дарслар ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлар орқали амалга оширилади. Тарбияси оғир ўқувчиларда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантиришга яхлит, тизимли ва технологик ёндашув; ўқувчи, ўқитувчи ва оила ҳамкорлиги муҳим омил бўлиб, бунда миллий ғоя таълимоти ҳақидаги матнларни ўрганиш тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ТАВСИЯЛАР

1. Оталарнинг тарбияси оғир ўсмирлар билан мафкуравий профилактика ишларини ташкил этишдаги фаоллигини ошириш чораларини кучайтириш керак. Зеро, ўтказган тадқиқотларимиз натижасида бу борадаги эътиборсизлик тарбияси оғир ўқувчиларни миллий ғояни шакллантириш ишларига салбий таъсир кўрсатаётганлиги аниқланди.

2. Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги ишларини ташкил этишда илғор маҳаллалар, намунавий оилалар эришган ютуқларни ўрганиб, оммалаштириш ва рағбатлантириш, ота-оналарнинг тарбиявий, диний, ҳуқуқий, маънавий, мафкуравий билимларини муттасил ошириб бориш ижобий натижалар беради.

3. Маҳалла, ота-оналар, мактаб ва Маънавият тарғибот марказлари тарбиявий ҳамкорлиги имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда, тарбияси оғир ўқувчилар орасида замонавий билимларни тарғиб қилиш, ўсмир ёшларни билимга бўлган интилишларини шакллантириш ўзининг ижобий натижаларини беради.

4. Фуқаролар йиғинлари негизида педагогик, ҳуқуқий, психологик, маънавий ва маърифий билим берувчи ота-оналар университетлари фаолиятини ташкил қилиб, ота-оналарда ўз фарзандлари ғоявий қизиқишлари доирасини кенгайтиришга қаратилган мафкуравий профилактик билим, кўникма, малака ва компетенцияларини узлуксиз ривожлантириш имконини беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ
НАУЧНОГО СОВЕТА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

СУЛТОНОВ АКРАМ ИКРОМОВИЧ

**ФОРМИРОВАНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕИ У УЧАЩИХСЯ
С ТРУДНЫМ ВОСПИТАНИЕМ В СОТРУДНИЧЕСТВЕ
С СЕМЬЕЙ, ШКОЛОЙ, МАХАЛЛЁЙ
(на примере V-IX классов)**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

Карши – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.3.PhD/Ped279.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Каршинском государственном университете. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.qarshidu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

научный руководитель: Адизов Бахтиёр Рахмонович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Махмудова Муяссар
доктор педагогических наук, профессор

Эгамбердиева Тургуной Ахмаджановна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: Каракалпакский государственный университет

Защита диссертации состоится «08» 02 2022 года в 09:00 часов на заседании Научного совета по присуждению учёной степени PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 при Каршинском государственном университете (Адрес: 180103, г. Карши, ул. Кучабог, 17). (Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Каршинский государственный университет, факультет Педагогики, кабинет 303.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за № 80). (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабог, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «22» 01 2022 года
(протокол рассылки № 2 от «28» 01 2022 года).



Р.Д. Шодиев
Председатель Научного совета
по присуждению ученой степени,
д.п.н., профессор

И.Б. Камолов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученой степени,
д.ф.п.н. (PhD), доцент

Х.О. Жураев
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученой степени, д.п.н. (DSc) доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. К началу нового века в мире всё более усложнились идеологические процессы. Усилились попытки идеологического разделения и присвоения мировых площадок. В этих условиях различные политические силы пытаются внедрить в сознание и деятельность узбекских юношей и девушек чуждые нашим национальным интересам, антигуманные идеи, формировать их мировоззрение в соответствии со своими интересами. В связи с этим все большую актуальность приобретает вопрос защиты нашей молодежи от антигуманных, чуждых нашим национальным интересам идей, формирование в их сознании национальной идеи, дать имидейное образование и воспитание.

Если наблюдать за сферой образования и воспитания в мире, то можно увидеть, что в последние годы особое внимание уделяется духовному воспитанию молодежи. Частое наблюдение у членов общества, особенно у подрастающего поколения признаков тяжелого воспитания, таких как насилие, агрессия, апатия, эмоциональная неустойчивость, депрессия, возникающих в результате влияния различных информационно-коммуникационных средств или чрезмерного пренебрежения воспитанием детей также вызывает тревогу у представителей мировой педагогической области. На сегодняшний день можно видеть, что ряд педагогических и психологических исследований, социологических поисков, направленных на решение данной проблемы, направлены на диагностику и коррекцию «отклонений» в поведении подростков, разработку технологии профилактических мероприятий.

На основе анализа передового зарубежного опыта, в нашей стране была проделана положительная работа по обучению и воспитанию как фактора формирования духовно и физически гармоничной личности. В частности, в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года, в качестве приоритетной задачи определено «воспитание физически здоровых, умственно и интеллектуально развитых, самостоятельно мыслящих, верных Отечеству, имеющих твердых взглядов на жизнь молодых людей, повышение их социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества»¹. Это, в свою очередь, определило необходимость внедрения нормативно-правовых, социально-педагогических, психологических подходов, направленных на воспитание общественного сознания несовершеннолетних детей, медийных методов оздоровления духовной среды, совершенствования деятельности общественных структур.

Из сказанного видно, что вопрос идеологического обучения и воспитания детей с трудным воспитанием, учащихся в V-IX классах общеобразовательных школ, а также разработки механизмов и педагогических основ применения семейного, школьного, общественного сотрудничества в этой области становится актуальной социально-педагогической проблемой.

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года. «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан». Народное слово, 8 февраля 2017

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Различные аспекты изучаемой проблемы очень подробно изучены в научных источниках. В частности, вопросы воспитания духовного мышления и высокого сознания подрастающего поколения нашли свое выражение в произведениях восточных мыслителей Абу Али ибн Сины, Аль-Беруни, Абу Наср-Фароби, Амира Темура, Алишера Навои, Абдурахмана Джамии, Мирзо Улугбека, Махмуда Кошгари, Юсуфа Хос Ходжиба и Бабура.

Ряд исследователей также ведут размышления о приоритетных направлениях и сферах, методах и приемах идеологического образования и воспитания.

Философские, социальные и правовые аспекты воспитания совершенной личности в семье, формирование национальной идеи у учащихся путём сотрудничества семьи, школы и махалли были исследованы философами, литературоведами, социологами как Э. Юсупов, Ж.Туленов, Ю.Г.Махмудов, Н.Комилов, П.М.Кулматов, А. П. Эркаев, М. Имомназаров, А. Иброхимов, Х.Султонов, Н. Жураев, М.Маматов, К. Назаров, О. Сафарова, М.Махмудов, Р.Рахмонов, М.Жакбаров, А.Бегматов, М.Бекмуродов.

В исследованиях таких учёных-педагогов как М.Очилов, Иномова М.О., Мусурмонова О., Нишонова С., Курбанов Ш., Махкамов У.И., Куронов М., Маматкулова Р., Тошматова Ж.С., С.Очилов, Х.Ж.Худойкулов, К.Муннаваров, Давронова Д.С., Мухсиева А.Ш., Нагметова Н.М., Абдужабборова М.Л., Хидирова Ф., Артикова М.Б., Мирзаев М.Ж. изучаются формирование национальной идеи у учащихся путём сотрудничества семьи, школы и махалли, различные аспекты воспитания ребенка в семье, вопросы сотрудничества школы, семьи и махалли в воспитании духовного мышления и его непрерывности.

Психологические аспекты проблемы изучены такими психологами как Э.Г.Гозиев, В.Каримова, Б.Кодиров, Ш.Баратов, Х.Узоқов, З.Т.Нишонова, М.Маматов, Т.Максудов, Г.Шоумаров и др.

Наряду с этим, различные аспекты данной проблемы нашли отражение и в исследованиях ученых СНГ А.И.Буров, М.А.Верба, Е.В.Квятковский, Б.Т.Лихачев, Г.Болховский, Н.А.Ветлугина, О.С.Богданова, К.В.Гавриловец, О.С.Ивашенко

Проблемы семейного воспитания изучены в работах зарубежных ученых Э. Эиснер, Р.Смит, Р.Шустерман, П.Парриш, Х.Фаирбанк, М.Холзер, А.Гулл, Э.Ле Шам, Бенжамин Спок, Ада Делла Торре, Мария Земска, Родем, где внимание уделяется таким вопросам, как конфликты между родителями и детьми, разногласия и их причины в семье, создание здоровой психологической среды для детей и ее значение, ответственность родителей в воспитании

детей. Данное исследование в определенной мере способствует развитию сотрудничества семьи, школы, махалли в формировании национальной идеи у учащихся с трудным воспитанием и дополняет вышеуказанные научные работы новыми данными.

Однако в вышеуказанных научных работах вопросы, связанные с сотрудничеством семьи, школы, махалли в формировании национальной идеи у детей с трудным воспитанием, учащихся в V-IX классах, не были объектом конкретного исследования.

